

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича  
ШАРТНОМА № 31/04

2022 йил «18» апрел

Жиззах шаҳри

Жиззах вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати **Инжиниринг компанияси** (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Х.Хасанов, бир томондан, ва «**POLARIS LOYIHA**» масъулияти чекланган жамияти (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Л.Жавлонова, иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар:

### 1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ **“Фориш тумани "Сайёд" МФЙ да 4,0 км ичимлик сув тармоғи ва 2 дона сув иншооти қуриш” (АРТ, топосъёмка, геология, лойиҳа иши ва экспертиза хулосаси)** объекти бўйича амалдаги конунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: 2022 йил 18 апрел;

Ишни якунлаш: 10 кун.

### 2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати 2022 йил 13 апрелдаги лот №64669 бўйича харид қилиш комиссияси баённомасига асосан ҚҚС билан **33 000 000 (Уттиз уч миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати очиқдир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳақ тўлаш шартлари тубдан ўзгарганда ва бошқа харажатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;  
- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи конунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

### 3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. **“Фориш тумани "Сайёд" МФЙ да 4,0 км ичимлик сув тармоғи ва 2 дона сув иншооти қуриш” (АРТ, топосъёмка, геология, лойиҳа иши ва экспертиза хулосаси)** объекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қуйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни конунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Ижрочи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан кейин қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочи га рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;

Адвокатское бюро «ALBINA MADEIDA»  
адвокат А.Н. Скорякова  
лицензия, удостоверение



3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочига юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижрочига юбормаса, Лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.

3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин қачиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

#### 4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижрочига тақдим қилади.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини Ижрочига тўлаб беради.

4.1.3. Ижрочидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошқора қилмаслик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижрочини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижрочига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолангандан сўнг).

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равишда Буюртмачига маълумот бериш;

4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиш. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Ижрочи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўқач қилмаслиги керак.

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш.

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари ва шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойиҳани Буюртмачига топшириш.

4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижрочидан қуйидагиларни талаб қилиш:

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;

- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий зарарларини қоплаш;

- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий зарарлар қопланишини Ижрочидан талаб қилиш.

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиҳа ҳужжатларига қўшимча иш хажмлари ва харажатлар аниқланган тақдирда «Уздавархитектқурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйруғи



билан тасдиланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб куйилади.

4.4. Ижрочи куйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топширик ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

#### **5. Томонлар жавобгарлиги.**

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг зарарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) куйидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи Ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида Лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва зарарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шarti билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматидан 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

#### **6. Махфийлик.**

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошқора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошқора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак.

#### **7. Шартномани ўзгартириш ва тугатиш.**

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

#### **8. Низоларни ҳал этиш.**

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар ҳал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.



## 9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнгин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, камаллар, кўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга галаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъқиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

## 10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома вилоят Ғазначилик бошқармасидан электрон тарзда руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Ижрочида сақланади.

## 11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

### БУЮРТМАЧИ:

Жиззах вилоят ҳокимлиги Ягона  
буюртмачи хизмати инжиниринг  
компанияси.

Жиззах ш. Ш.Рашидов кучаси 100 уй.  
Тел./факс 222-46-40, 222-29-96  
шх: 301121860084017063201110124  
ИНН: 204791955 ОКОНХ: 69000

Жиззах вилоят Ғазначилик бошқармаси  
ЯҒХ 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент  
шаҳар бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса  
маркази (ХККМ)

МФО: 00014 ИНН: 201122919



Хасанов Х.

### ИЖРОЧИ:

«POLARIS LOYIHA»

масъулияти чекланган жамияти

Жиззах ш. Ш.Рашидов кучаси 9 уй  
Тел. 91 598-16-61  
Х/р: 20208000200834075001  
ТИФ “Миллий банк”  
Жиззах шаҳар филиали  
МФО: 00121 ИНН: 305237150  
ОКОНХ 66000



Л.Жавлонова

## ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида”ги Қонунининг 21-моддаси талаблари асосида тузилг. Экспертиза хулосаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги ҳамда низоларнинг ҳал этилиши тартиби амалдаги қонунчилик талабларига мослигини беради.

Хукукий экспертиза натижасига қура қуйдагилар аниқланди:

1. Шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ тузилган. Такдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари қонунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган ҳар қандай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 686-708-моддалари ҳамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида”ги Қонуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида”ги Қонуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

Жиззах вилоят ҳокимлиги ЯБХМ  
ҳуқуқшунос - адвокат

О.Очилов

Адвокатское бюро «ALBINA NADEJDA»  
Адвокат А.Н. Скорнякова  
лицензия, удостоверение  
№ 000033

А.Н.Скорнякова

М.Алиев

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**



**Жиззах вилояти ҳокимлиги  
“Ягона буюртмачи хизмати” ИК  
бош муҳандиси**

**А.Сарибоев  
2022 йил**

**Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг  
компаниясида ўтказилган танлов комиссияси аъзолари йиғилиш  
БАЁНИ № 6**

2022 йил “ 18 ” апрел

Жиззах шаҳри

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компаниясининг 2021 йил 01 февралдаги №10-сонли буйруғи билан тасдиқланган комиссияси аъзолари куйидаги таркибда,

**ҚАТНАШДИЛАР:**

А.Сарибоев - Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бош муҳандиси, комиссия раиси;

**Комиссия аъзолари:**

- Т.Саттаров - Лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник қузатиш бўлими бошлиғи;
- О.Очилов - Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи;
- О.Хидоятуллаев - Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиғи;
- Ф.Зулфиқоров - Ҳисоб-китоб бўлими мутахассиси
- М.Алиев - Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи, комиссия котиби;

**Кун тартиби:**

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси буюртмачилигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сон қарори билан 2022 йил Жиззах вилоятида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурига киритилган ичимлик сув таъминоти тизимларини яхшилаш объектлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган харид қилиш комиссиясининг танлов баённомалари асосида тузиладиган шартномаларнинг Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли қонуни 62-моддаси талабларига мувофиқ тузилишини таъминлаш.

2022 йил 13-14 апрел кунлари “Etender.uzex.uz” электрон портали орқали ўтказилган қуйидаги 24 та объект бўйича харид қилиш комиссиясининг танлов савдолари натижалари тўғрисида баённомалари расмийлаштирилган;





№	Объектнинг номи	ЛОТ рақами	Ғолиб лойиҳа ташкилоти	Ғолиб таклиф этган нарх
1	Арнасой тумани "Ғ Ғулом" МФЙ да ичимлик сув таъминотини таъмирлаш	№64281	"Sangzor Qurilish Loyiha" МЧЖ	50 980 000
2	Бахмал тумани "Нурафшон" МФЙ да 19,7 км ичимлик сув тармоғи 4 дона сув иншооти қуриш	№64302	"Sangzor Project Invest" МЧЖ	137 300 000
3	Бахмал тумани "Тонготар" МФЙ да 11,0 км ичимлик сув тармоғи ва 3 дона сув иншооти қуриш	№64313	"Sangzor Project Invest" МЧЖ	79 700 000
4	Ғаллаорол тумани "Ғубдин" МФЙ да 6,0 км ичимлик сув тармоғи ва 2 дона сув иншооти қуриш	№64439	"Discovery Architects group" МЧЖ	42 037 200
5	Ғаллаорол тумани "Қипчоқсув" МФЙ да 12,0 км ичимлик сув тармоғи ва 2 дона сув иншооти қуриш	№64426	"Discovery Architects group" МЧЖ	77 774 400
6	Ғаллаорол тумани "Булоқбоши" МФЙ да 3,7 км ичимлик сув тармоғи ва 1 дона сув иншооти қуриш	№64439	"Sangzor Project Invest" МЧЖ	45 900 000
7	Ш.Рашидов тумани "Хайрабод" МФЙ да 4,2 км ичимлик сув тармоғи ва 3 дона сув иншоотини таъмирлаш	№62813	"Arch Pro Architecture Project" МЧЖ	46 443 600
8	Ш.Рашидов тумани "Қатқақишлоқ" МФЙ да 5,0 км ичимлик сув тармоғи ва 4 дона сув иншоотини таъмирлаш	№64465	"Arch Pro Architecture Project" МЧЖ	51 201 000
9	Ш.Рашидов тумани "Олмачи" МФЙ да 5,2 км ичимлик сув тармоғи ва 2 дона сув иншоотини таъмирлаш	№64481	"Arch Pro Architecture Project" МЧЖ	52 399 800
10	Зомин тумани "Нурафшон" МФЙ да 18,0 км ичимлик сув тармоғи ва 5 дона сув иншооти қуриш	№64499	"Shaharsozlik Dizayni" МЧЖ	103 021 520
11	Зомин тумани "Улуғбек" МФЙ да 7,0 км ичимлик сув тармоғи ва 2 дона сув иншооти қуриш	№64534	"Shaharsozlik Dizayni" МЧЖ	52 294 760
12	Зарбдор тумани "Андижон" МФЙ да 9,5 км ичимлик сув тармоғи ва 3 дона сув иншоотини таъмирлаш	№65142	"Jizzax Tadqiqot" МЧЖ	66 377 450
13	Зарбдор тумани "Адирабод" МФЙ да 8,0 км ичимлик сув тармоғи ва 2 дона сув иншоотини таъмирлаш	№64545	"Jizzax Tadqiqot" МЧЖ	56 946 800
14	Зафаробод тумани "Чулигулистон" МФЙ да 9,0 км ичимлик сув тармоғини таъмирлаш	№64548	"Novo Planing" МЧЖ	63 500 000
15	Зафаробод тумани "Писталикент" ШФЙ да 9,0 км ичимлик сув тармоғини таъмирлаш	№64550	"Novo Planing" МЧЖ	63 500 000
16	Мирзачул тумани "Гулзор" МФЙ да 9,7 км ичимлик сув тармоғи ва 1 дона сув иншоотини таъмирлаш	№62954	"Novo Planing" МЧЖ	70 000 000
17	Пахтакор тумани "Нурли Пангат" МФЙ да 2,5 км ичимлик сув тармоғи ва 1 дона сув иншоотини таъмирлаш	№64553	"Atlant Architects group" МЧЖ	32 152 500





18	Пахтакор тумани "Мингчинор" МФЙ да 17,0 км ичимлик сув тармоғи ва 1 дона сув иншоотини таъмирлаш	№64554	"Atlant Architects group" МЧЖ	101 242 800
19	Фориш тумани "Қизилкум" МФЙ да 5,5 км ичимлик сув тармоғи ва 1 дона сув иншооти куриш	№64557	"Polaris Loyiha" МЧЖ	42 500 000
20	Фориш тумани "Сайёд" МФЙ да 4,0 км ичимлик сув тармоғи ва 2 дона сув иншооти куриш	№64669	"Polaris Loyiha" МЧЖ	33 000 000
21	Янгиобод тумани "Совот" МФЙ да 5,6 км ичимлик сув тармоғи ва 2 дона сув иншооти куриш	№64562	"Shaharsozlik Dizayni" МЧЖ	43 183 700
22	Янгиобод тумани "Шодлик" МФЙ да 6,5 км ичимлик сув тармоғи ва 3 дона сув иншооти куриш	№64563	"Shaharsozlik Dizayni" МЧЖ	49 016 660
23	Жиззах шаҳри "Оққурғонлик" МФЙ да 3,8 км ичимлик сув тармоғи ва 1 дона сув иншоотини таъмирлаш	№64608	"House Grand" МЧЖ	57 000 000
24	Жиззах шаҳри "Тинчлик" МФЙ да 6,4 км ичимлик сув тармоғи ва 2 дона сув иншоотини таъмирлаш	№64618	"House Grand" МЧЖ	46 000 000

Комиссия котиби томонидан 24 та объектга лойиҳа ташкилотини танлаш бўйича ўтказилган танлов савдолари юзасидан 2 иш куни мобайнида комиссия аъзоларига ҳеч қандай шикоят келиб тушмаганлиги тўғрисида ахбороти ўқиб эшиттирилди.

Комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ва ўрганиб чиққан ҳолда, танлов комиссияси

#### Қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сон қарори билан 2022 йил Жиззах вилоятида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурига киритилган ичимлик сув таъминоти тизимларини яхшилаш объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича "Etender.uzex.uz" электрон портали орқали аниқланган 24 та объект бўйича 3 иш куни ичида буюртмачи ва ғолиб лойиҳа ташкилотлари ўртасида шартномалар тузилиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Йиғилиш баёни тўғри тузилган деб имзо қўювчилар:

Т.Саттаров

О.Хидоятуллаев

О.Очилов

Ф.Зулфқоров

Комиссия котиби:  
М.Алиев

